

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НОСИРОВ ФАХРИДДИН ЖАЙЛОВОВИЧ

**ЯНГИ КОНСТРУКЦИОН ВА ТЕХНОЛОГИК ЕЧИМЛАРНИ
ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ЭКСПЛУАТАЦИОН
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Носиров Фахриддин Жайлович

Янги конструкция ва технологик ечимларни қўллаган ҳолда насос станциялари эксплуатацион самарадорлигини ошириш 3

Носиров Фахриддин Жайлович

Повышение эффективности эксплуатации насосных станций с применением новых конструктивных и технологических решений 29

Nosirov Faxriddin Jaylovovich

Improving the efficiency of the pumping stations with using new design and technological solutions 55

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НОСИРОВ ФАХРИДДИН ЖАЙЛОВОВИЧ

**ЯНГИ КОНСТРУКЦИОН ВА ТЕХНОЛОГИК ЕЧИМЛАРНИ
ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ЭКСПЛУАТАЦИОН
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/T211 рақам билан рўйх. олинган.

Диссертация И.Каримов номидagi Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ttiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мухаммадиев Мурадулла Мухаммадиевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Янгиев Аерор Абдихамидович техника фанлари доктори, профессор Шакиров Бахтиёр Махмудович техника фанлари доктори, доцент Ҳўжакулов Рустам техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-22-67, факс: 237-54-79, e-mail: admin@ttiame.uz).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (2029 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўч., 39, тел.: (+99871)- 237-19-45, e-mail: admin@ttiame.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» февраль куни тарқатилди.
(2022 йил «25» февраль даги 209 рақамли реестр баённомаси).



И. Каримов
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор
Ф.А. Гаппаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент
М.Р. Бакиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ирригация тизимларидаги насос станцияларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, уларнинг ишончли ва кафолатли ишлашини таъминлаш масалалари етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида насос станциялар ишига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, энергия ва ресурслар тежамкорлигига эришиш, сув етказиб бериш технологик жараёнини бошқаришнинг замонавий усулларида фойдаланиш устувор вазифалар ҳисобланади¹.

Жаҳоннинг етакчи илмий муассасаларида насос станциялари иш режимларини оптималлаштириш, сув қабул қилиш иншоотларида сув оқимининг гидравлик тузилмасини такомиллаштириш ва лойқа заррачалари чўкишининг олдини олиш, энергия истеъмолини минималлаштириш, янги техник ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада насос станциялар иншоотларида сув оқимининг оптимал гидравлик тузилмасини тадқиқ қилиш, насос станциялари аванкамераларида сув оқимини бошқариш, лойқа чўкишининг олдини олиш, насос агрегатларининг иш режимларини оптималлаштириш, бошқариш ва эксплуатацион самарадорлигини ошириш ҳамда илмий асослашга эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, иншоотлар ва жиҳозларнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, уларда эскирган жиҳозларни замонавий, энергия тежамкор жиҳозларга алмаштириш, насос станциялари иншоотларида сув оқимининг гидравлик тузилмасини бошқариш орқали унинг эксплуатацион режимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усуллари, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш...»² вазифалари белгиланган. Ҳозирги кунда республикамиздаги суғориладиган майдонларнинг 55 фоизидан ортиги, яъни 2,4 млн. гектар экин майдонлари насос станциялар билан суғорилмоқда ва бунинг учун 2020 йилда 7,172 млрд.кВт-соат электр энергияси (мамлакат бўйича энергия истеъмолининг 10,4 фоизи) сарф қилинди². Энергия истеъмолининг жуда юқорилиги насос станцияларда тежамкор технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида аҳамият беришни талаб этмоқда, жумладан, энергияни тежайдиган янги конструкциялар ва технологик ечимларни тадқиқ қилиш ҳамда уларни жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ Irrigation Pumping Plants. Irrigation National Engineering Handbook. United States Department of Agriculture Natural Resources Conservation Service. Washington, 2016, 206 pp

² <https://water.gov.uz/uz/page/1/4>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон “Замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологияларни тадқиқ этишни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг IV “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Ҳозирги кунда суғориш насос станцияларининг эксплуатацион самардорлигини оширишга қаратилган янги технологик ечимлар ва конструкциялар бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, жумладан Хитойнинг Yangzhou, Hohai, Буюк Британиянинг Sheffield, Nottingham, Канаданинг McMaster, Москва давлат қурилиш, Украина миллий сув хўжалиги ва табиатдан фойдаланиш, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари” Миллий тадқиқот университетларида, Австралиянинг Institute Hydraulic Engineering, Мисрнинг International water Management (IWMI), Mechanical & Electrical Research, К.А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университетининг А.Н. Костяков номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш, Сув муаммолари ва ирригация илмий-тадқиқот, Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институтлари (Ўзбекистон), шунингдек илмий муассасалар - International Association for Hydro-Environment Engineeing and Research (IAHR) ассоциацияси (XXP), АҚШнинг American society of civil Engineers илмий жамиятида ва бошқа муассасаларда кенг қамровли илмий –тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Насос станциялар иншоотларида сув оқимининг оптимал гидравлик тузилмасини тадқиқ қилиш масалалари бўйича Yangzhou, Sheffield университетлари ва Австралиянинг Institute Hydraulic Engineering институти мутахассислари бир қанча янги техник ечимлар бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар: <https://www.mdpi.com/2073-4441/11/8/1677/html>; <http://doi.org/10.1155/2018/6543109> ; <https://doi.org/10.1155/2018/2876980>; www.sciencedirect.com; <https://elibrary.ru/item.asp?id=29736742>; [https://doi.org/10.1061/\(ASCE\)0733-9437\(1996\)122:3\(179\)](https://doi.org/10.1061/(ASCE)0733-9437(1996)122:3(179)); <https://cyberleninka.ru/article> ва бошқа манбалар асосида бажарилди

Насос станциялари аванкамераларида сув оқимини бошқариш ва унинг оптимал тузилмасини аниқлаш масалалари Нohaи университетида, А.Н. Костяков номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтларида олиб борилмоқда.

Аванкамераларда лойқа чўкишининг олдини олиш ва лойқа чўкмаларини тозалашнинг самарали усуллари бўйича илмий – тадқиқотлар Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Қарши мухандислик – иқтисодиёт институтларида бажарилмоқда.

Насос агрегатларининг иш режимларини оптималлаштириш ва бошқариш бўйича тадқиқотлар Буюк Британиянинг Sheffield, Nottingham, Канаданинг McMaster, Украина сув хўжалиги ва табиатдан фойдаланиш миллий университетларида, Мисрнинг Mechanical & Electrical Research Institute институтида бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилган.

Дунёда насос станциялар эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари сифатида насос станцияси иш режимини ресурслар ва электр энергияси истеъмоли минимизацияси бўйича оптималлаштириш, иншоотлар ва жиҳозларда сув оқимининг мақбул гидравлик тузилмасини аниқлаш, уларнинг ишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш ва насос станциясининг харажатлар минимумига олиб келадиган IT-технологияларга асосланган “ақлли” бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларни келтириш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда мелиоратив насос станцияларда уларнинг эксплуатацион самарадорлигини оширишга қаратилган янги технологик ечимлар ва конструкциялар бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Виссарианов В.И, Гловацкий О.Я, Некрасов В.М, Накладов Н.Н, Кеберле С.И, Рычагов В.В., Подласов А.В, В.Я.Карелин, С.Х. Абальянц, Ю.А. Ибад-заде, Н.Т. Кавешников, И.И. Леви, И.Е. Михайлов, Е.А. Соколов, М. Зингер, Л.Г. Подвидз, Ю.С. Кирилловский, Б.Ф. Лямаев, М. Чианд, В. Сонд, Ж.Чжоу, Е.Цзу, С.Е.Суини, G. Fish, I.R. Teaima, G. Govatos ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда ирригация насос станциялари иншоотларида янги конструкциялар ва технологияларнинг насос станцияси самарадорлигига таъсири, шунингдек сув оқимидаги лойқа заррачаларининг ҳаракати, уларнинг иншоот тубига чўкишининг олдини олиш жараёнилари мамлакатимиз олимлари А.М. Арифжонов, О.Я. Гловацкий, М. Мамажонов, М.М. Мухаммадиев, Б.У. Уришев, Б.М. Шакиров ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Шу билан бир қаторда юқорида келтирилган олимлар изланишларида насос станциялар сув қабул қилиш иншоотларида лойқа чўкишининг олдини олишнинг самарали усулларида фойдаланиш, насос агрегатлари иш режимларини янги техник ечимлардан фойдаланган ҳолда оптималлаштириш, сарф бўладиган энергетик харажатларни ва ресурслар сарфини камайтириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг ГНТП-13-014 “Насос станция иш режимларини бошқаришда энергия тежовчи тизимларни ишлаб чиқиш” (2009-2011), ИОТ-2012-5-11 “Насос станция аванкамерасида лойка босишининг олдини олиш учун мослама яратиш ва тадбиқ этиш” (2012-2013) ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт-институтида ИТД-3-26 “Насос станцияларда сув қабул қилиш иншоотининг янги конструкциялари асосида энергия ва сув тежаш технологиясини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш” (2012-2014), F-ОТ-2021-235 «Гидроэнергетикани ривожлантиришда гидроэнергетик комплекслардан фойдаланишнинг назарий асослари» (2021-2025) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади насос станциялар эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича янги конструкция ва технологик ечимларни ишлаб чиқиш ва уларнинг техник, гидравлик, энергетик параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

насос станциялар сув қабул қилиш иншоотида лойка чўкмаларининг юзага келиш жараёнини ўрганиш ва унинг олдини олишнинг мавжуд усуллари ва конструкцияларини таҳлил қилиш;

насос станциялар аванкамерасида лойка заррачаларининг чўкишини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;

насос станцияси аванкамерасида сув оқимини турбулентлаш усули билан лойка чўкишининг олдини олиш қурилмасини ишлаб чиқиш;

насос станцияси аванкамерасида сув оқимини турбулентлаш усули билан лойка чўкишининг олдини олиш қурилмаси напор-сув сарфи характеристикасининг аналитик ифодасини ишлаб чиқиш;

сув оқимини турбулентлаш усули билан лойка чўкишининг олдини олиш қурилмасининг лаборатория қурилмасида ва насос станция аванкамерасида тажрибавий тадқиқотларини ўтказиш;

насос станцияси аванкамерасида лойка чўкмаларини грунт насос ёрдамида тозалаш қурилмасини ва унинг асосий насос билан биргаликда ишидаги эксплуатацион параметрларини аниқлаш схема ва методикасини ишлаб чиқиш;

насос станцияси аванкамерасини лойка чўкмаларидан эжектор ёрдамида тозалаш қурилмаси схемасини ва ундаги эжекторнинг параметрларини ҳамда иш режимини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

насос станциясининг сув бериш унумдорлигини гидрооқимчали насосдан фойдаланиш ҳисобига ошириш қурилмаси схемасини ва унинг асосий параметрларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

насос станциялар эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича янги конструкция ва технологик ечимларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сўғориш насос станцияларининг

аванкамералари, насос агрегатлари ва босим қувурлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини насос станциялар аванкамерасида таркибида лойқа бўлган сув оқими ва лойқа заррачаларининг чўкиши жараёни, насосларнинг ишчи характеристикалари ва параметрлари, қувурларда сув оқимининг напор-сув сарфи характеристикалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида лойқа заррачаларининг чўкиши жараёнини гидравлик моделлаштириш, қурилмалар ва насос агрегатининг параметрларини аниқлашнинг графоаналитик усуллари, экспериментларни ўтказиш ва натижаларга ишлов беришда математик статистика, экспериментларни режалаштириш усуллари, иншоотларда сув оқимини моделлаштириш қонуниятларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

насос станциялар аванкамерасида лойқа заррачалари концентрациясини ва уларнинг ноаниқ шаклини ҳисобга оладиган заррачаларнинг чўкиш траекториясини ифодаловчи янги аналитик тенглама олинган;

насос станцияси аванкамерасида сув оқимини турбулентлаш усули билан лойқа чўкишининг олдини олиш бўйича янги қурилма ишлаб чиқилди;

насос станцияси аванкамерасида сув оқимини турбулентлаш усули билан лойқа чўкишининг олдини олиш қурилмаси напор-сув сарфи характеристикасини аниқлаш методикаси такомиллаштирилган ва оқимнинг турбулизацияси ҳосил қилинган майдон ўлчамининг лойқа чўкишининг олдини олиш қурилмаси напор-сув сарфи қийматларига боғлиқлигини ифодаловчи янги тенглама олинди;

насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан грунт насос ёки эжектор ёрдамида тозалаш қурилмалари схемалари ишлаб чиқилган ва бу қурилмалар параметрларини аниқлаш методикалари асосий насос агрегати билан лойқа тозалаш қурилмасининг биргаликдаги ишини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

насос станциясининг сув бериш унумдорлигини гидрооқимчали насосдан фойдаланиш ҳисобига ошириш қурилмаси схемаси ва унинг асосий параметрларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

насос станцияси аванкамерасида сув оқимини турбулентлаш усули билан лойқа чўкишининг олдини олиш бўйича янги қурилма ишлаб чиқилган;

назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида лойқа чўкишининг олдини олиш қурилмаси ёрдамида иншоот тубида ҳосил қилган турбулизация майдони ўлчамининг қурилма напор-сув сарфи характеристикасига боғлиқлигини аниқлаш графиги таклиф этилган;

насос станцияси аванкамерасидаги лойқа чўкмаларини тозалашнинг янги техник ечимлари ва уларнинг параметрларини аниқлаш методикалари ишлаб чиқилган;

насос станциясининг сув бериш унумдорлигини гидрооқимчали насосдан фойдаланиш ҳисобига ошириш қурилмаси схемаси ва унинг асосий

параметрларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

аванкамерада лойқа чўкишининг олдини олиш ва лойқа чўкмаларини тозалаш жараёнида насос станциясининг эксплуатацион параметрларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий изланишларнинг кенг қўлланиладиган математик ва физик қонуниятлар асосида бажарилганлиги, экспериментлар моделлаштириш қонунларига мос равишда ўтказилганлиги ва уларнинг натижалари олинган назарий натижаларга мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти насос станцияси аванкамерасида лойқа заррачаларининг чўкишини прогностлаш, унинг олдини олиш усулини ишлаб чиқиш ва бунда иншоот тубида оқимни турбулизациялаш жараёнининг заррачалар чўкишига ҳамда насос станцияси параметрларига таъсирини баҳолаш, кўриб чиқилган усуллар билан аванкамерани лойқа чўкмаларидан тозалаш жараёнида насос агрегати параметрларини аниқлаш, гидрооқимчали насос ёрдамида насос станцияси сув бериш самарадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти насос станцияси аванкамерасида лойқа чўкишининг олдини олиш ва лойқа чўкмаларини тозалаш ишларини йил давомида, насос станцияси ишлаётган пайтда самарали ва кам харажатли усуллар билан амалга ошириш натижасида агрегатларнинг фойдали иш коэффициенти ошиши, электр энергиясининг ортиқча сарф бўлишини бартараф этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Насос станцияларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича янги конструкциялар, технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

насос станциялари сув қабул қилиш иншоотида лойқа заррачалари чўкишининг олдини олиш конструкциясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (“Сув қабул қилиш иншооти” № FAP 00238 (РУз), Бюл. № 2, 2006 й.). Натижада насос станцияси сув қабул қилиш иншооти тубида лойқа чўкишининг олдини олиш ва агрегатларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш имконияти яратилган;

насос станцияси сув бериш унумдорлигини ошириш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (“Сув қабул қилиш иншооти” № FAP № 01200, Бюл. №5, 2017. й.). Натижада насос станцияси сув бериш унумдорлигини 15 % гача ошириш имконияти юзага келган;

насос станциялари аванкамерасида лойқа заррачалари чўкишининг олдини олиш қурилмаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Сурхондарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги энергетика бошқармасига қарашли насос станцияларида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18-ноябрдаги 03/27-3366-сон маълумотномаси).

Натижада насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш харажатлари ва электр энергияси исрофининг камайиши ҳисобига насос станциясида йилига 40...250 млн. сўмни тежаш имкони юзага келган;

насос станциялари аванкамерасида лойқа заррачалари чўкишининг олдини олиш қурилмаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Сурхондарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфидаги “Ёшлик” насос станциясида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18-ноябрдаги 03/27-3366-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш харажатлари ва электр энергияси исрофининг камайиши ҳисобига насос станциясида йилига 5..15 % эксплуатация харажатларини тежаш имкони юзага келган;

насос станциялари аванкамерасида лойқа заррачалари чўкишининг олдини олиш қурилмаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармасида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18-ноябрдаги 03/27-3366-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш харажатлари ва электр энергияси исрофининг камайиши ҳисобига насос станциясида 5...15 % эксплуатация харажатларини тежаш имкони юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 15 та мақола, жумладан 9 таси республика, 6 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та фойдали моделига патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича мамлакатимиз ва жаҳонда бажарилган илмий тадқиқотларнинг шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, усуллари келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ишнинг апробацияси ва натижаларининг жорий қилиниши, ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Суғориш насос станцияларидан фойдаланиш ҳолати ва уларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар, янги техника ва технологияларни жорий қилиш зарурати” номли бобида суғориш насос станцияларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини янада оширишдаги муаммолар, таҳлил қилинган станциялар аванкамераларининг амалда қўлланилаётган ва янги конструкциялари, уларда оқимнинг гидравлик тузилмасининг ўзгариши бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқилган.

Мазкур таҳлиллар асосида ҳозирги кунда насос станцияларнинг сув қабул қилиш иншоотлари ва аванкамераларида бир қатор қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

а) ҳозирги кунда суғориш насос станцияларида қўлланилаётган кенгайиб борадиган аъъанавий аванкамералар насос станциясидаги барча сўриш камералари ва қувурларига сув оқимини бир хил тақсимлаб бера олмайди.

б) аванкамераларнинг янги конструкциялари ҳамда уларда оқимнинг гидравлик тузилмасини яхшилаш учун хизмат қиладиган жиҳозлар сув оқимини анча тартибга солиш имкониятини беради, лекин ишлайдиган насослар сони умумий насослар сонининг 30...40 % идан кичик бўлганда ҳар қандай ҳолатда ҳам аванкамерада сув айланиш зоналари пайдо бўлади ва лойқа заррачаларининг чўкиши кузатилади. Бу ҳолат оқимнинг гидравлик тузилмасининг бузилишига олиб келади, насос станциясининг ишига салбий таъсир кўрсатади, сув бериш унумдорлиги камаяди, насослар фойдали иш коэффициентини пасаяди.

в) суғориш насос станцияларида март - апрель ойларида, яъни вегетациянинг асосий даври бошлангунга қадар сув таркибида лойқа миқдори кўп бўлганлиги сабабли кўпгина станциялар аванкамералари тубида қалин лойқа қатламлари вужудга келади. Лойқа чўкмаларини вегетация пайтида тозалаш ишлари аксарият насос станцияларда олиб борилмайди, шу сабабли улар вегетация давомида паст кўрсаткичлар билан ишлашга мажбур бўлишади ва бунинг оқибатида насос станцияларда ортиқча электр энергияси сарфи юзага келади.

Таркибида лойқа бўлган сувни ҳайдаб берувчи суғориш насос станцияларнинг эксплуатация самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий адабиётлар ва манбалар таҳлили қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқотлар қўламини янада ошириш зарурлигини кўрсатди:

а) насос станциялар аванкамераси тубига чўқадиган лойқанинг ҳажми, фракцион ва минераллар таркиби, чўкиш жойини башорат қилиш мақсадида лойқа заррачаларининг чўкиш жараёнини ўрганиш;

б) аванкамераларда лойқа заррачалари чўкишининг олдини олишнинг самарали усулларни ишлаб чиқиш;

в) аванкамералар тубида тўпланган лойқа чўкиндиларини тозалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш.

Насос агрегатининг сув бериш унумдорлигини гидрооқимчали насосни қўллаган ҳолда ошириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлили бу усул параметрларнинг баъзи бир чегараланган қийматлари доирасида энг


самарали усуллардан бири эканлигини кўрсатди. Лекин насос агрегати билан гидроқимчали насоснинг биргаликдаги ишидан нисбатан паст сатҳларда жойлашган майдонларга сув етказиб бериш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўтказилмаган.

Мазкур бобда амалга оширилган таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертация ишининг **“Насос станциялар аванкамерасида лойқа чўкиши жараёни ва лойқа заррачаларининг чўкиш траекториясини аниқлашнинг назарий асослари”** деб номланган иккинчи бобда лойқа заррачаларининг чўкиш жараёни тўғрисидаги маълумотлар, назариялар чуқур таҳлил қилиниб, заррачаларнинг чўкиш траекториясига таъсир килувчи асосий кучлар ва омиллар аниқланди.

Лойқа заррачаларининг чўкиш траекторияси ва узунлигини аниқлаш бўйича бажарилган проф. И.Е Михайлов тадқиқотларида бир хил ўлчамга ва зичликка эга бўлган заррачалар иншоот тубига Гаусснинг меъёрий қонуни асосида чўқади ва сув оқимининг тезлиги ҳамда заррачанинг гидравлик йириклиги қийматлари билан аниқланади деб таъкидланган. Лекин юқорида кўрсатилганидек заррачаларнинг чўкиш траекторияси нафақат заррача зичлиги, гидравлик йириклиги, сув оқими тезлиги ва тузилмасига боғлиқ, шунингдек оқимдаги заррачалар концентрацияси ва заррача шаклига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди. Оқимда заррачалар концентрациясининг ошиши улар орасидаги ўзаро таъсир кучларининг пайдо бўлишига олиб келади, “тиқилинч” ҳолатда чўкиш режими пайдо бўлади, заррачаларнинг гравитацион коагуляцияси юзага келади.

Кўп тадқиқотлар натижалари заррачанинг чўкиш тезлигига лойқа концентрацияси катта таъсир кўрсатиши туфайли уни заррачанинг гидравлик йириклигига тенг қилиб олиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Насос станцияси аванкамерасида A заррачанинг ҳаракати 1-расмда кўрсатилган.



1 – расм. Аванкамерада лойқа заррачасининг ҳаракатланиш схемаси

Мазкур заррача dt вақт ичида сув оқими тезлиги ϑ_x таъсирида горизонтал йўналишда dx масофани босиб ўтади. Шу билан бир қаторда оғирлик кучи таъсирида заррача ϑ_y тезлик билан пастга қараб ҳаракатланади. Мазкур ҳолатда оқимга пульсацион тезликлар қиймати нолга тенг деб

ҳисобланади. Демак заррачанинг текисликдаги ҳаракатлиниш йўналишини горизонтал бўйича $dx = \mathcal{G}_x \cdot dt$, вертикал бўйича $dy = \mathcal{G}_y dt$ деб олинса, унда заррача траекторияси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$dy = \mathcal{G}_y \frac{dx}{\mathcal{G}_x} \quad (1)$$

Бу ифодадаги \mathcal{G}_x қийматини сув сарфи орқали аниқлаш мумкин:

$$\mathcal{G}_x = \frac{Q}{\omega} = \frac{Q}{bh + mh^2} \quad (2)$$

бунда: b - аванкамера эни, h - сув чуқурлиги, m - қиялик коэффициенти.

(1) даги \mathcal{G}_y ни заррачалар чўкиш тезлигига алмаштириб, яъни $\mathcal{G}_y = V_3$ ва

(2) ни ҳисобга олиб қуйидагича ёзиш мумки:

$$\omega \cdot dx = \left(\frac{V_3}{Q} \right) dy \quad (3)$$

Бу ифодада $\omega = b \cdot h + m \cdot h^2$ ва b ва h қийматларини қуйидаги тарзда ёзилади (1-расм):

$$\begin{aligned} b &= b_1 + 2 \cdot x \cdot tg\beta; \\ b &= h_1 + x \cdot tg\alpha. \end{aligned}$$

Демак ω қийматини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\omega = x^2(2tg\alpha \cdot tg\beta + m \cdot tg^2\alpha) + x(b_1 \cdot tg\alpha + 2h_1 \cdot tg\beta + 2m \cdot h_1 tg\alpha) + bh_1 + mh^2 \quad (4)$$

бунда: $A = 2tg\alpha \cdot tg\beta + m \cdot tg^2\alpha$; $B = b_1 \cdot tg\alpha + 2h_1 \cdot tg\beta + 2m \cdot h_1 \cdot tg\alpha$;

$\omega_1 = b_1 \cdot h_1 + m \cdot h_1^2$ деб белгиланади, унда қуйидаги шаклдаги тенглама ёзилади:

$$\omega = Ax^2 + Bx + \omega_1 \quad (5)$$

(5) ифода (3) га қуйилади, олинган натижани интеграллаб қуйидаги тенглама ёзилади:

$$A \frac{x^3}{3} + B \frac{x^2}{2} + \omega_1 x = \frac{Q}{V_3} y + C \quad (6)$$

$x=0$ ва $y=0$ бўлганда $C=0$ бўлишини ҳисобга олинса, (6) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$y = \frac{V_3}{Q} \left(A \frac{x^3}{3} + B \frac{x^2}{2} + \omega_1 x \right) \quad (7)$$

Бу тенгламада заррачанинг чўкиш тезлиги V_3 ни аниқлаш учун И.И.Студенов, Н.А.Шилвалар таклиф этган эмпирик тенгламадан фойдаланилди:

$$V_3^m = \frac{1}{2} \left(\sqrt{\left(\frac{36 \cdot v_c}{d} \right)^2 + 7,25 \left(\frac{\rho_3}{\rho_c} - 1 \right) d \cdot g} - \frac{36 \cdot v_c}{d} \right) \quad (8)$$

бунда: v_c – оқимнинг кинематик ёпишқоқлик коэффициенти, ρ_3 , d – заррачаларнинг зичлиги ва диаметри, ρ_c – сувнинг зичлиги.

Лекин бу тенглама шарсимон ягона заррачанинг чўкиш тезлигини ифодалагани учун заррачанинг ношарсимон шакли ва лойка концентрацияси

таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент K_3 ни (7) тенглама таркибига киритилди:

$$K_3 = K_1 \cdot K_2 \quad (9)$$

бунда: K_1 – заррачаларнинг ноаниқ шакли учун коэффициент, K_2 – заррачаларнинг концентрациясини ҳисобга олувчи коэффициент.

Демак (7) қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$y = \frac{V_3^{uu} \cdot K_3}{Q} \left(A \frac{x^3}{3} + B \frac{x^2}{2} + \omega_1 x \right) \quad (10)$$

Заррачаларнинг бир-бирига таъсири етарлича кенг ўрганилган ва зич жойлашган кўп миқдордаги заррачалар чўкиш тезлигини аниқлашда қуйидаги коэффициентдан фойдаланиш таклиф қилинган:

$$K_2 \approx (1 - \varphi)^n \quad (11)$$

бунда: φ – лойқанинг ҳажмий концентрацияси, n – зичлик коэффициенти.


Зичлик коэффициенти заррачалар концентрациясига боғлиқ ҳолда қуйидаги боғланиш билан аниқлаш таклиф этилган

$$n = 1,75 - 1,25 \cdot \varphi^{8.5} \quad (12)$$

Мазкур тенгламанинг тажрибалар натижаларига мослиги Қашқадарё вилоятидаги М-II-2 насос станцияси аванкамерасида $\varphi=1,0..5,0$ % бўлган ҳолат учун ҳар хил масофада чўккан грунтлар намуналарининг фракцион таркибини тешириш орқали аниқланди. Текшириш натижалари (10) тенглама билан тажрибалар натижалари орасидаги тафовут 7...10% дан ошмаслигини кўрсатди.


Диссертациянинг “**Насос станциялар аванкамерасида лойқа чўкмаларининг олдини олиш ва улардан тозалаш бўйича янги қурилмалардан фойдаланиш**” номли учинчи бобидан насос станцияси аванкамерасида лойқа чўкишининг сув оқимини турбулентлаш усули билан олдини олиш, лойқа чўкмаларини грунт насослари ва эжекторлар ёрдамида тозалаш бўйича янги техник ечимлар бўйича маълумотлар, ҳисоблар натижалари келтирилган.

Аванкамеранинг сўриш қувурлари ва сув қабул қилиш камераларига кириш зонасида лойқа заррачаларининг чўкишига йўл қўймайдиган тешикли қувурлар тизимига босимли сув оқимини бериш орқали сунъий турбулентлик ҳолатини юзага келтирадиган ихтиро патентига эга бўлган янги қурилма таклиф этилди (2 – расм).



2 – расм. Аванкамерада лойқа чўкишининг олдини олиш қурилмаси

Қурилманинг напор – сарф параметрлари қувурлар орасидаги масофа x , тешиklar диаметри d_0 , тешиklar орасидаги масофа b ва тешикли қувурлар узунлиги $l_{кув}$ га боғлиқ бўлиб, 3 – расмда келтирилган қувурларнинг жойлашув схемаси кўрсатилган.



- 1 – босимли сув бериш қувури;
- 2 – тешикли қувурлар;
- 3 – сув оқими йўналиши;
- 4 – тешиklar

3 – расм. Тешикли қувурларнинг жойлашув схемаси

Қурилмага берилаетган сув оқими сарфи қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$Q = 4,31 \left(\frac{2,5 \cdot D_{кур}}{x} + 1 \right) \left(\frac{l_{кув}}{b} - 1 \right) d_0^2 \cdot \sqrt{H} \quad (13)$$

бунда: $D_{кур}$ – сўриш қувури ёки камерасининг кириш қисмининг диаметри, H – қувурлар тизимига бериладиган сув оқимининг напори.

Бажарилган ҳисоблар натижалари ҳам шуни кўрсатадики, аванкамера тубида сувнинг турбулент ҳолатини юзага келтириш учун бериладиган сув миқдори насос станцияси меъёрий сув унумдорлигининг 0,5...1,5 % ини ташкил этади ва бу эса унинг эксплуатацион кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Насос станцияси аванкамерадаги махсус чуқурчада тўпланган лойка чўкмаларни грунт насоси ёрдамида насос станцияси босим қувурига ҳайдаб беради. Бу усулнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

а) лойка заррачалари насос агрегати сув оқиш қисмига кирмасдан юқори бьефга чиқарилади ва бу эса насос қисмларини гидроабразив емирилишдан сақлайди;

в) насос қурилмасидаги тескари клапаннынڭ ёпилиши пайтида юзага келадиган гидравлик зарба пайтида босимнинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш учун таклиф этилган қурилмадан фойдаланиш мумкин.


Мазкур лойка тозалаш қурилмасининг эксплуатацион параметрларини аниқлаш учун ушбу қурилма ва насос агрегатининг иш режимини аниқлашнинг янги графоаналитик услубияти таклиф этилди (4-расм).

Лойка тозалаш насоси алоҳида ишлаганда унинг S ишчи нуқтаси бўлиб, $Q_{за} = Q_c$ миқдордаги гидроаралашмани насос босим қувурига чиқаради ва бунда $Q_{за} = Q_{суб} + Q_{лоя}$, яъни гидроаралашма таркиби сув ва лойка

аралашмасидан иборат.

Асосий насос билан лойқа тозалаш насосининг биргаликдаги иш $H_{1+2} - Q$ напор характеристикаси билан ифодаланади, бу ҳолда юзага келган ишчи нукта B H_B ва Q_B параметрларга эга, бунда:

$$Q_B = Q_{B1} + Q_{B2} = Q_{\text{суб}} + Q_{B1} + Q_{\text{лой}}.$$



$H_1 - Q$ – насоснинг напор характеристикаси;
 $H_2 - Q$ – грунт насоснинг напор характеристикаси;
 $H_{1+2} - Q$ – иккала насоснинг умумий напор характеристикаси;
 $H_{КТ} - Q$ – қувурлар тизимининг напор характеристикаси;
 $\eta_1 - Q, \eta_2 - Q$ – насос ва грунт насосларнинг ф.и.к. характеристикалари

4 – расм. Насос агрегати ва грунт насоснинг биргаликдаги иш режими графиги

Лойқа тозалаш насоси иш мобайнида зарур бўлган электр энергия миқдори қуйидагига тенг.

$$\mathcal{E}_{\text{лой}} = 9,81 \cdot Q_{B2} \cdot H_B / \eta_{B2} \cdot T_{\text{лой}} \text{ кВт} \cdot \text{соат}$$

бунда $T_{\text{лой}}$ – лойқа тозалаш насосининг ишлаш вақти, соат.

Насоснинг ф.и.к. қуйидаги тарзда аниқланади: $\eta_B = \frac{(Q_{B1} + Q_{B2}) \cdot \eta_{B1} \cdot \eta_{B2}}{Q_{B1} \cdot \eta_{B2} + Q_{B2} \cdot \eta_{B1}}$.

Ушбу методика бўйича D1600-90M-0 маркали насослар билан жиҳозланган насос станцияси аванкамерасидаги 30 м^3 лойқа чўкмаларини ГраТ 85/40/1-1,6 маркали грунт насоси тозалашда қурилма параметрлари аниқланди. Ҳисоблар натижалари грунт насос учун зарур бўлган электр энергияси миқдори насос станцияси истеъмоли электр энергияси миқдорининг 0,05% и дан ошмаслигини, лойқа билан аралашган ҳолда $15 \text{ м}^3/\text{соат}$ қўшимча миқдорда сув хайдаб бериш мумкинлигини кўрсатди.

Эжекторли лойқа тозалаш қурилмаси билан насос агрегатининг биргаликдаги иш режимини аниқлашнинг графоаналитик усули келтирилди (5-расм).

Бу параметрлар орасидаги боғлиқликни солиштирма кўрсаткичлар орқали қуйидаги эмпирик боғланиш билан ифодаланади:


$$\alpha_m = 0,779 \sqrt{\frac{0,242}{\beta}} \quad (14)$$

бунда: α_m – лойқа сўрилишининг массаси (сарфини) ифодаловчи коэффи-

циент, $\beta = \frac{H^r}{H_H}$ - насос напорини ифодаловчи коэффициент. Эжектордан чиқаётган гидроаралашма сарфи куйидаги боғланиш билан аниқланади:

$$Q_{ca} = \alpha_m \frac{\rho_{cye} \cdot Q_H}{\rho_{loy}} \quad (15)$$

бунда: ρ_{loy} - лойка чўкмасининг зичлиги, ρ_{cye} - сувнинг зичлиги, Q_H - насоснинг сув бериш унумдорлиги.



$H_1 - Q$ - насос напор характеристикаси;
 $H_{КТ} - Q$ - кувурлар тизими напор характеристикаси;
 $H'_{КТ} - Q$ - кувурлар тизимининг эжектор ишлаганда юзага келган напор характеристикаси;
 $H_{1+эж} - Q$ - эжектор + насос напор характеристикаси;
 $\eta - Q$ - насос ф.и.к. характеристикаси

5 – расм. Насос ва эжекторнинг биргаликдаги иш режими графиги


Демак, B ишчи нуктасида насос эжектор билан биргаликда Q_{ca} гидроралашма сарфига эга бўлади.

Сопло диаметрини куйидаги формула билан аниқланади:

$$d_c = 0,55 \sqrt{\frac{Q_H}{\sqrt{H_H - h}}} \quad (16)$$

бунда: Q_H , H_H - насос сув бериш унумдорлиги ва напори 5 – расмдаги графикдан (B_1 нукта бўйича) аниқланади, h - пастки бьефдаги минимал сув сатҳи билан сопло ўқи орасидаги масофа.

Паст напорга эга бўлган майдонларга сув хайдаб берадиган насослар ўрнига гидрооқимчали насослардан (эжекторлардан) фойдаланиш таклиф этилади. Шунини ҳисобга олиб гидрооқимчали аппарат (эжектор) билан жиҳозланган қурилма таклиф этилди (6 - расм).



1 - сув келтириш канали,
 2 - аванкамера; 3 - сув қабул қилиш камераси; 4 - насослар; 5 - босим кувурлари; 6 - суғориш майдонлари;
 7 - қўшимча сувни сўриш кувури;
 8 - босимли сув бериш кувури;
 9 - гидрооқимчали насос

6 – расм. Гидрооқимчали насос билан жиҳозланган насос станцияси схемаси

Юқорида келтирилган схема бўйича насос станцияда ўрнатилган иккита марказдан қочма насос ўрнига эжектор (гидрооқимчали насос)дан фойдаланиш параметрлари ва электр энергия, эксплуатация, капитал харажатлари ҳисобланиб, ушбу қурилманинг самарадорлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Насос станция аванкамерасида лойқа чўкишининг олдини олиш қурилмасининг лаборатория тадқиқотлари”** номли тўртинчи бобида аванкамерада лойқа заррачаларининг муаллақ ҳолати ва чўкиши, уларнинг қувурлар орқали транспортини ташкил қилиш жараёнини моделлаштириш масалалари, лойқа заррачаларининг чўкиш узунлигини, лойқа чўкишининг олдини олиш қурилмасининг параметрларини аниқлаш бўйича бажарилган лаборатория тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Проф. И.И. Леви тавсияларига таянган ҳолда лойқа заррачаларининг чўкишини қуйидаги тартибда моделлаштириш таклиф этилди.

1) кинематик ва геометрик ўхшашликни таъминлаш.

$$\alpha_v = \alpha_w = \sqrt{\alpha_h} \quad (17)$$

2) гидродинамик ва геометрик ўхшашликни таъминлаш

Агар $Re_n \geq Re_c$ бўлса, унда $Re_m = Re_c = 150$ ва лойқа ўлчами миқёси қуйидагича аниқланади

$$\alpha_d = \frac{1}{\sqrt[3]{\alpha_p}} \left(\frac{150}{Re_n} \right)^{2/3} \quad (18)$$

бунда: Re_n -насос станция аванкамераси натура (табiiй) шароити учун

$Re_n = \frac{\rho_n d_n}{\nu_n}$ формуласи билан аниқланади.

Агар $Re_n < Re_c$ бўлса:

$$\alpha_d = \frac{1}{\sqrt[3]{\alpha_p}} \quad (19)$$

3) лойқа заррачалари материални танлаш 1 ва 2 шартлар бир вақтда бажарилган ҳол учун аниқланади;

4) лойқалик даражаси миқёси $\alpha_\varphi = 1$ бўлиши керак.

Лойқа заррачаларнинг транспортини ташкил қилишни моделлаштириш қуйидаги маълум мезонлар асосида амалга оширилади

$$d_{\text{кв}}/d_{\text{ўр}} = idem; \quad \vartheta/w = idem, \text{ яъни } \alpha_\vartheta = \alpha_w \quad (20)$$

бунда: $d_{\text{кв}}$ – қувур диаметри, $d_{\text{ўр}}$ – заррачаларнинг ўртача диаметри.

Шу билан бир қаторда гидродинамик ўхшашлик шартини бажариш учун Рейнольдс сонининг автoмoдeль зонасидаги қийматларига риоя қилиш керак, яъни $Re > Re_c$.

Лойқа ташувчи қувурларда гидравлик режимининг турғун сақлаш учун қувурдаги гидроаралашманинг тезлигини қуйидаги миқдорда қабул қилиш лoзим:

$$\vartheta = (1,1 \dots 1,15) \vartheta_{\text{кр}} \quad (21)$$


бунда: $\vartheta_{\text{кр}}$ - лойқа заррачаларнинг критик тезлиги:

$$g_{sp} = w + 3\sqrt{\rho \cdot \varphi \cdot g \cdot d_{кув}} \quad (22)$$

бунда: $d_{кув}$ – кувур диаметри.

Лаборатория қурилмасининг схемаси 7-расмда кўрсатилган.


Лабораторияда ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг асосий мақсади аванкамерада лойка чўкиш жараёни параметрларини ҳамда лойка чўкмалари ҳосил бўлишининг олдини оладиган қурилманинг сув сарфи – напор характеристикаларини аниқлаш ҳисобланади.



7 – расм. Лаборатория қурилмасининг схематик кўриниши

Экспириментал тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат.

Оқим тезлигининг аванкамера узунлиги бўйича ўзгариши 8 – расмда келтирилган.




8 – расм. Сув оқими тезлигининг аванкамера узунлиги бўйича тақсимланиши

Насос станциясида учта насоснинг бир вақтда ишлаши ҳолатида лойка чўкмалари эгаллаган майдон аванкамера умумий майдонининг 35,2% ни

ташқил этади. Насослар сони ошиши билан бу кўрсаткич камаяди, яъни тўртта насос бир вақтда ишлаганда 26,4 % га, бешта насос ишлаганда 18,4 % га, 6 та насос ишлаганда 7,8 % га тенг бўлади (ўрнатилган насослар сони 11 та).

Лойқа заррачалари ўлчамларининг чўкиш жараёнига таъсирини аниқлаш мақсадида заррачаларнинг аванкамера узунлиги бўйича тақсимланиши ўрганиб чиқилди (9 – расм).



9 – расм. Лойқа заррачаларининг аванкамера узунлиги бўйича тақсимланиши


Лойқа заррачаларининг чўкиш узунлигини аниқлаш бўйича олинган ва 9 – расмда келтирилган лаборатория тадқиқотлари натижалари (10) тенглама бўйича ҳисобланган натижаларига солиштириб кўрилганда, улар бир-бирига деярли мос эканлиги, орадаги фарқ 7...8 % дан ошмаслиги аниқланди.

Лойқа концентрациясининг заррачалар чўкишига таъсирини аниқлаш учун $d=0,25 \cdot 10^{-3}$ м ва $d=0,4 \cdot 10^{-3}$ м заррачаларнинг $\varphi = 0,1...0,45$ концентрация коэффициентлари қийматларига мос келувчи чўкиш зонасининг ўртача масофалари аниқланди.

Лойқа концентрациясининг ошиши заррачаларнинг чўкиш тезлигини камайтиради, натижада уларнинг аванкамера бошидан ҳисобланган чўкиш масофаси ошади.

Масалан, концентрация коэффициенти $\varphi = 0,1$ бўлганда $d=0,4 \cdot 10^{-3}$ м ўлчамли заррачалар 2,0...2,1 метр масофада, $\varphi = 0,4$ бўлганда эса 3,0 метр масофага бориб чўқади.

Назарий тадқиқотларда турбулизация майдони ўлчамига таъсир кўрсатувчи асосий параметрлар берилётган сув оқимининг напори ва сарфи ҳамда тешиқлар диаметри масофа кўрсатилган эди. Лаборатория тадқиқотларида ушбу параметрларнинг узаро таъсири кўриб чиқилди, масалан, сув сарфининг турбулизация майдонига таъсири 10 – расмда келтирилган.




10 – расм. Сув сарфининг турбулизация майдонига таъсири

$\bar{q} = \frac{Q_{m.к.}}{Q_1}$ - сув сарфининг нисбий киймати,

бунда $Q_{m.к.} = Q_m \cdot n$ - тешикли қувурларга берилётган сув сарфи, Q_m - тешикдан чиқаётган сув оқими сарфи, n - тешиклар сони; Q_1 - аванкамерага берилган умумий сув сарфи.

$\bar{f} = \frac{f_{мыр}}{f_{сур}}$ - турбулизация майдонининг

нисбий киймати; $f_{мыр}$ - турбулизация майдони; $f_{сур}$ - қурилма ётқизилган майдон.



